**21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН**


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2012 йил 16 октябрь ● № 42 (907)


## ТИЛГА ЭЪЗОЗ ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ВА КЕЛАЖАК ФАРОВОНЛИГИДИР

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан маънавиятимизни юксалтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, катта тарихий воқеа бўлган эди. Бу йил Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганига 23 йил тўлди.**

Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши тилимизнинг мавқеини янада оширишга, унинг янада бойиши ва такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Инсон дунёга келиб, ҳаёт моҳиятини билишга, ўзликни англашга ҳаракат қилади. Аждодлар босиб ўтган йўл, уларнинг шарафли хизматларига баҳо беради. Буни дунё халқлари миқёсида талқин этсак, миллатни миллат сифатида танитувчи, бошқалардан фарқлашдаги жиҳатлар яққолроқ кўринади. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўтган куни, бугуни ва келажагини, унинг мавжудлигини биргина омил – она тили билдириб туради. Жонажон ўзбек тили – она тилимиз хусусида сўз кетганда, шубҳасиз унинг дунё тиллари орасида ўзига хос мавқеига эга эканлигини кўрамиз.

Дунё олимларининг эътирофига кўра, бугунги кунда ер юзи аҳолиси уч мингга яқин тилда сўзлашади. Бу тиллар ўзининг лексик ва грамматик хусусиятларига кўра, оилалар ва гуруҳларга бўлинади. Ўзбек адабий тили туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, у мустақил тил сифатида XXI асрдан бошлаб шакллана бошлаган ва ҳозирги кунимизгача бу тилда кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилди. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», шунингдек, Атойи, Саккокий, Сайфи Саройи, Мавлоно, Лутфийларнинг яратган бой илмий-адабий меросларини тилга олиш мумкин.

Айниқса, туркий тилнинг беқиёс имкониятларини кўрсатишда Алишер Навоийнинг буюк хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ҳазратнинг нафақат бадияти, балки тилшуносликка бағишланган «Муҳокомат ул-луғатайн», яъни «Икки тил муҳокамаси» номли асари шу соҳадаги қиёси йўқ манба ҳисобланади. Қолаверса, шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг тилимизда яратган гўзал асарлари бугун ҳам ўқувчилар томонидан севиб мутолаа қилинади. Албатта, она тилимизнинг тараққиёти юқорида номлари келтирилган буюк аждодларимизнинг юксак муҳаббатида кўриниб туради.

Бугун мактаб, коллеж, академик лицейлар ва олий ўқув юрти талабалари учун янги авлод дарсликлари яратилиб, уларда тилимизни янгича асосда ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Бу эса, шубҳасиз ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг яратилиши, уни амалиётга татбиқ этилиши ҳам шу ишларнинг узвий давомидир. Эътироф этиш керакки, дунёдаги 200 га яқин тил бугунда давлат тили мақомига эришган бўлиб, шулар орасида ўзбек тили ҳам бор. Бу эса, ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб, тилимиз софлигини сақлашда зиммамизга улкан масъулиятлар юклайди. Ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялаш эса педагоглар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифаси, бурчи ҳисобланади.

Тил – миллатимиз фахри, ғуруридир. Айни чоғда орзу умидларимиз, истиқлолимиз унда бўй кўрсатадиган, қалбимиз ойнаси ҳамдир. Шундай экан, она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, тил бор экан миллат барҳаёт, унинг истиқболи нурли ва чароғондир.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

## ЯРАТУВЧАНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

### *тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда*



***Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошидаги Кардиохирургия мажмуаси юрак хирургияси соҳасида юқори технологияларни татбиқ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратиш ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.***

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жарроҳлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуада кунига икки юз беморни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали, уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши ҳамда ангиографик жарроҳлик, шунингдек, гемодиализ ва трансплантация, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика ҳамда реанимация бўлимлари ва иккита кардиожарроҳлик хоналари жойлашган.



## *УШБУ СОНДА:*


ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

2-7-бетлар

# ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИМТИЁЗ

*мамлакатимиз олий ўқув юртлари янада ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда*

***Республикамиздаги олий ўқув юртлари орасида Тошкент фармацевтика институтининг алоҳида нуфузи ва илмий салоҳияти бор. Чунки мазкур даргоҳнинг кўп йиллик тарихи бевосита фармацевтика илмининг бугуни ва эртанги истиқболи билан чамбарчас боғлиқ. Юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласига бўлган эътибор туфайли бу каби олий таълим масканларининг ўқитиш услуби ва таълим сиёсатида замонавийлик руҳи вужудга келди. Биргина Тошкент фармацевтика институтининг тиббиёт, қолаверса, фармацевтика соҳасида эришаётган улкан муваффақият ва ютуқларини бир сўз билан таърифлаб бўлмайди. Кечагина ушбу даргоҳни тугатган талабалар бугун етук олим, тажрибали мутахассис сифатида халқ манфаатига хизмат қилишмоқда. Айниқса замон талаблари даражасида қайта таъмирланиб, жиҳозланган ўқув хоналари, дарс бериш жараёнлари бугун тамомила бошқача қиёфа касб этган. Узоқ тарих йўлини босиб ўтган, қанчадан-қанча олимларга илм ва тажриба мактаби бўлган ушбу институт бугунги кунда ўз нуфузига эга бўлмоқда.***



Тошкент фармацевтика институти 1937 йилда Тошкент тиббиёт институтининг айрим кафедралари асосида ташкил этилган. Ўша йилнинг ўзида институтга Э. Шурпе директор этиб тайинланади. Унинг бой тажрибаси ва талабчанлиги туфайли институтдаги ўқув жараёни ва талабаларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу даврда ботаника, физика, анорганик кимё ва жамият фанлари кафедралари, шунингдек, математика, лотин тили, кристаллография, жисмоний тарбия, ҳарбий фанлар курслари ташкил этилиб, 1941-1942 ўқув йилида кафедраларнинг сони 16 тага етган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу таълим муассасаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё давлатларида фармацевт кадрлар тайёрлаш борасида етакчи илм даргоҳи ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ институт ўзининг ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларида, ўқув режалари, стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқишда, хусусан, моддий-техник негизини мустаҳкамлашда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўқув жараёнига татбиқ этишда бир қатор муваффақиятларга эришди. Аввало институтда замон талабларига мос равишда туб ўзгаришлар амалга оширилди. Республикамизда изчил ривожланаётган фармацевтика саноати вужудга келди, хусусий дорихоналар тизими барпо этилди.

Барчамизга маълумки, фармацевтика институти мустақилликкача фақат дорихоналар учун провизорлар тайёрлаб келган. Бугунги кунда юртимизда 120 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги фармацевтика корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарни кадрлар билан таъминлаш мақсадида саноат фармацияси ва биотехнология таълими йўналишлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, институтда клиник фармация ва космецевтика – иккита янги таълим йўналиши ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Тошкент фармацевтика институтида олтита бакалавриат таълим йўналиши ва бешта магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш жорий этилган.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мутахассис меҳнат фаолияти давомида мунтазам равишда ўз устида ишлаши зарурлиги белгилаб қўйилган. Институтдаги фармацевт кадрлар малакасини ошириш ишлари замон билан ҳамнафас, ҳозирги кун фармация амалиёти талаблари даражасида олиб борилмоқда. Бу соҳада масофавий ўқитиш тизими ўқув жараёнига жорий этилгани ҳам эътиборга молик. Умуман олганда, институтда ўқув жараёнини модернизациялаш, интерфаол ўқитиш тизимини ташкил этиш, фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар яратиш, қатор ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасалари, йирик дори ишлаб чиқарувчи фирма ва нуфузли илм даргоҳлари билан халқаро алоқалар ўрнатиш яхши йўлга қўйилган. Ҳамкор давлатларнинг юқори малакали мутахассислари институтга тез-тез ташриф буюриб, талабалар билан ўқув-тренинглар, маҳорат дарслари олиб боради. Ўз навбатида, бизнинг ёш олимларимиз ҳам ривожланган давлатларда малакаларини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.



Маълумки, фармацевтика институти республикамизда ягона, бу эса соҳага кадрлар тайёрлаб бериш билан бир қаторда, илмий ва илмий ишлаб чиқариш тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир. Институтнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва яратувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам бериш мақсадида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент фармацевтика институти ҳузурида Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази (ДВСИМ) ташкил этилди. Унинг таркибига дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, илмий-услубий ва ахборот-патент бўлими, дори воситаладори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, илмий-услубий ва ахборот-патент бўлими, дори воситаларини сертификациялаш идораси, замонавий таҳлил услубидаги ўқув-тренинг маркази киритилди. Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази бугунги кунда соҳадаги илмий-текшириш институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, Ҳиндистон, Германия, Россия, Украина, Австралия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларнинг фармацевтика фирмалари ва ташкилотлари билан тегишли шартномалар бўйича самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Энг муҳими, Дори воситаларини стандартлаш илмий марказига юқори малакали ёш олимлар жамланган бўлиб, марказ дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, стандартлаш, зарур ҳолда технологиясини, захарлилигини, специфик фармакологик хусусиятларини, қарийб барча клиникагача бўлган тадқиқотларни ўтказиш ва бошқа меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш механизмига эга. Илмий марказ энг ноёб асбоб-ускуналар, қурилмалар билан жиҳозланган. Бугунги Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази томонидан амалга оширилган ишлар натижаси бўйича уни фармацевтика соҳасининг замонавий "технопарки" дейиш мумкин.



Институтимизда таҳсил олаётган ёшларнинг билимий маҳоратини ошириш билан бирга, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Чунки, тафаккурни ривожлантириш – таълимнинг асосий мақсадларидан биридир. Фаолиятимизнинг асосини ёшлар онгини бугунги куннинг шиддатига, глобаллашувига нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга йўналтириб бормоқдамиз. Мазкур жараённи самарали ташкил этиш мақсадида турли маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар ўтказиш доимий вазифага айланган. Айниқса, ёшларни замонавий ахборот технологияларига кенг жалб этган ҳолда мустақил ва эркин фикрлашга имконият яратиш, таълим жараёнида – илмий тортишувларда, нуқтаи назарнинг турли-туманлигига эътибор қаратиш педагоглардан янгича ёндашувни талаб этмоқда. Бу борада институтда иқтидорли талабалар бўлими фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлим "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, талабалар илмий жамияти, институт илмий бўлими, деканат ва кафедралар билан ҳамкорликда маскандаги иқтидорли ёшларини танлаш, уларни кафедраларга бириктириш, олиб бораётган илмий ишларини кузатиб бориш, илмий ижод методологияси сирларини ўрганиш, анжуманлар ўтказиш, турли номдаги стипендиялар ва бошқа республика ҳамда халқаро миқёсдаги танловларда иштирок этишларида ёрдам беради. Энг муҳими, иқтидорли ёшлар талабалик давридаёқ илм-фанга жалб этилади, уларнинг илмий мавзулари шаклланади. Талабалик даврида патент олган, ўнлаб мақолалари чоп этилган иқтидорли ёшларимизнинг борлиги, бу албатта ҳар биримиз учун фахрланарли ҳолдир. Яна шуни таъкидлашим муҳимки, бу йил иқтидорли талабаларнинг қарийб 40 фоизи ўз илмий иш натижаларини анжуманда инглиз тилида ҳимоя қилдилар.

Пойтахтимизда 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги Халқаро симпозиум ҳамда 2012 йил 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги Халқаро конференциялар институт ҳаётида муҳим ўрин тутди. Унда барча мутахассислар қатори институтнинг педагог-ўқитувчилари, қолаверса, талабалари ҳам фаол иштирок этиб, кўплаб янгиликларга эга бўлдилар.

Биз ушбу анжуманларда қабул қилинган қарорлар асосида ўз стратегик истиқболдаги режаларимизни қайта белгилаб олдик. Жумладан, бизга яқин бўлган тиббиёт, иқтисодиёт, технология соҳалари билан фармация соҳасини интеграциясини кенгайтириш, клиник фармация, ишлаб чиқариш менежменти, саноат иқтисодиёти, косметология воситалари технологияси, ветеринария фармацияси каби мутахассисликлар тайёрлашни талаб этади. Мақсадимиз – замон билан ҳамнафас юрадиган билимли, маънавий етук баркамол кадрлар тайёрлашдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили эканлигини кўзда тутиб меҳнат қилишимиз лозим.

**Ишончим комилки, институтимизнинг янги тарихий босқичи жамоамиз ишига янгича мазмун ва шижоат бағишлайди, маънавий ҳаётимиз ва илмий салоҳиятимиз юксалишида, ёшларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада оширишда, уларни янгидан-янги ижодий зафарларга чорлашда муҳим аҳамият касб этади.**

**А. ЮНУСХЎЖАЕВ,**
**Тошкент фармацевтика институти ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор.**

*Миллий дастур амалда*

# ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

***Мустақиллик йилларида фармацевтика соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши тармоқнинг малакали кадрлар билан таъминланишини ва уларни тайёрлашнинг узоқ муддатли стратегиясини белгилаб берди. Бунинг учун, аввало, ўқув режасидаги фанларни такомиллаштириш, амалий фармацевтика талабаларига кўра янги йўналишларни ташкил этиш зарурати пайдо бўлди.***

Бу эса, ўз навбатида, институтда "Клиник фармация", "Саноат фармацияси", "Касб таълими", "Космецевтика" таълим йўналишларини ва "Фармацевтик технология", "Фармацевтик кимё ва фармакогнозия", "Фармацевтика иқтисодиёти ва менежменти", "Дори воситаларининг саноат технологияси", "Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси" бўйича магистратура мутахассисликлари ташкил қилинишига асос бўлди. Жумладан, фармация таълим йўналиши ўқув режасига эса, фармакологик биокимё, фармацевтик ёрдам, фармакокинетика, клиник фармация каби янги фанлар киритилди.

Янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун ДТСларининг янги авлодлари, ўқув режалар, ўқув дастурлари ва адабиётлари яратилди.

Институтда ўқув жараёни ва ўқув-услубий таъминотни модернизация қилиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Жумладан, мавжуд барча маъруза хоналари стационар проекторлар билан жиҳозланди, бу эса маърузаларни ахборот технологиялари қўлланган ҳолда (тақдимот, виртуал лаборатория, анимация ва бошқалар) ўқишни таъминлайди. Таълим йўналишларининг ўқув режасидаги фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуа яратилди ва институт ахборот-ресурс марказига жойлаштирилди.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари яратган ўқув адабиётлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси томонидан ўтказиладиган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва муаллифи" кўрик-танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. **Жумладан:**

*- 2006 йил – С. Аминов, Р. Аристонбеков, Х. Тўхтаев, О. Гофурова, К. Чўлпоновларнинг "Умумий ва анорганик кимёдан амалий машғулотлар ўқув қўлланмаси" – 1-ўрин;*

*- 2008 йил – Х. Холматов ва У. Аҳмедовларнинг "Фармакогнозия ва ботаника асослари" дарслиги – 2-ўрин;*

*- 2009 йил – Ю. Харитонов, А. Юнусхўжаев, С. Насриддинов ва О. Шабилоловларнинг "Аналитик кимё" дарслиги – 1-ўрин;*

*- 2009 йил – С. Аминовнинг "Физик ва коллоид кимё"дан электрон дарслиги 1-ўрин;*

*- 2009 йил – М. Зияева ва Г. Султоноваларнинг "Тиббиёт товаршунослиги" дарслиги – 3-ўрин;*

*- 2009 йил – О. Обидовнинг "Фармакологик биокимё" дарслиги – 3-ўрин;*

*- 2011 йил – С. Маҳкамов ва К. Маҳмуджоноваларнинг "Тайёр дори турлари технологияси" дарслиги – 1-ўрин;*

*- 2011 йил – Л. Икромов, Т. Мирхаитов. М. Тожиев ва З. Юлдашевларнинг "Токсикологик кимё" дарслиги – 2-ўрин;*

*- С. Аминов, М. Қурбанова, М. Раҳматуллаеваларнинг "Физик ва коллоид кимё фанидан масалалар тўплами" – 3-ўринни эгаллади.*

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талаблари бўйича мутахассис меҳнат фаолияти давомида мунтазам равишда ўз устида ишлаши зарур. Институтдаги кадрлар малакасини ошириш ишлари замон билан ҳамнафас ҳозирги кун фармация амалиёти талаблари даражасида ташкил этилган. Бу соҳада масофавий ўқитиш тизимининг жорий этилганлиги ҳам эътиборга молик масаладир. Шуни таъкидлаш лозимки, масофадан ўқитиш дастури ва услуби Ўзбекистон Республикаси патент идораси томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Институтда ёш илмий изланувчилар ва магистрантларнинг самарали ишлашлари учун барча шароитлар мавжуд. Жумладан, илмий тажрибаларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган институт қошида фаолият кўрсатаётган "Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази"да ўтказиш ва дори воситалари таҳлили бўйича замонавий услубларни қўллаш бўйича маслаҳатлар олиш имконияти мавжуд. Илмий изланишлар ва профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишларини жадаллаштириш борасида халқаро алоқалар яхши йўлга қўйилган.

Масалан, И. Сеченев номли 1-Москва тиббиёт университети билан ўрнатилган ҳамкорлик ишлари натижасида институтда ҳар йили дори воситалари сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва аҳолини безарар дори воситалари билан таъминлаш мавзусида семинар-тренинглар бўлиб ўтади. Ушбу семинар-тренингларда нафақат институт илмий ходимлари ва профессор-ўқитувчилари, балки дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда амалий фармацевтика ходимлари ҳам қатнашиб келмоқдалар. Бу эса ўз навбатида, мутахассисларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Жадал суръатлар билан ривожланиб келаётган фармацевтика соҳаси фармацевт кадрларга бўлган талабни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, биз доимо ўқув режаларини амалий фармацевтика талабларига мувофиқ такомиллаштириб, таълим жараёнини ўқиш моделидан ўзлаштиришга қараб ўзгартириб бормоқдамиз. Бундан ташқари, ўқув жараёни ва ўқув дастури маҳаллий фармацевтика соҳасини ривожлантиришга қаратилган.

**Фармацевтика таълимининг яқин келажаги, замон талабларига жавоб берадиган, узлуксиз ўз устида ишлаш ва касбий маҳоратини доимо оширадиган кадрлар тайёрлаш олдимизда турган улкан вазифадир. Бу йўлда барча таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ва узвий алоқалар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.**

**Ҳ. ЗАЙНУТДИНОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти ўқув ишлари бўйича проректор вазифасини бажарувчи, профессор.**
**Ш. УМАРОВА,**
**ўқув бўлими бошлиғи, доцент.**

*Истиқлол ва истиқбол*

# БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

***Илм-фан, маданият ва маърифат ҳар қандай мамлакат ва халқни юксаклик сари етаклайди, келажагини олдиндан белгилаб беради. Шу маънода, ёш авлод тарбияси, уларнинг дунёвий билимларни чуқур эгаллашлари бугунги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Юртимиздаги йигит-қизларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида таҳсил олишлари, юксак маънавиятли, юқори малакали кадрлар бўлиб шаклланиши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишида давлатимизнинг алоҳида ўрни бор.***

Институтимизда ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида Касаба уюшмаси, "Устоз-шогирд" кенгаши, "Камолот" ЁИҲ ҳамда маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар ўқув йилида институт раҳбарияти, маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан аъло баҳоларга ўқиётган иқтидорли талабани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида профессор Маннон Азизов номидаги ва "Дори-дармон" АК томонидан стипендиялар таъсис этилган. Бу каби эътибор уларни янада изланиш ва ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқишини оширади.

Шунингдек, ҳар йили талабаларнинг ёзги таътилда бўш вақтларини унумли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида "Бунёдкор" меҳнат отряди ташкил этилиб, мазкур гуруҳ томонидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Унда иштирок этган ёшлар моддий қўллаб-қувватланади.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин".

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, "Ватанпарварлик ўлка тарихини ўрганишдан бошланади" шиори остида институт раҳбарияти томонидан тарихий жойларга саёҳатлар уюштириш яхши анъанага айланган.

"Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир" деган ажойиб ҳикмат бор. Қайси ерда илм-маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт ва маънавият маскани ҳисобланади. Илмдан мақсад эса кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.



Таълим-тарбия ҳақида сўз юритганимизда, аввало, устозларимиз ҳақида сўз бошлаймиз, бу нафақат уларга бўлган ҳурмат, эътиборимиз, балки уларнинг заҳматли меҳнатларини қадрлаш ҳам демакдир. Истеъдодли ёшларни тарбиялаш йўлида институт устозларининг ўз ўрни бор, албатта. Инсон қалбига илм ва маърифат нурларини олиб киришда, ҳаётда муносиб ўринларини топишда уларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Институтда юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда фаол меҳнат қилаётган устозларимизнинг борлиги барчамизга фахр бағишлайди.

**Давримиз шижоаткор. Ёшларимиз эса даврдан-да ғайратли. Шундай экан, уларнинг билим ва иқтидорларни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Бу олинган тарбия ва эгалланган илмлар йиллар ўтиб инсонлар саломатлиги, қолаверса, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонамиз.**

**К. ЧЎЛПОНОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича биринчи проректори, доцент.**
**Н. АШУРОВА,**
**маънавият ва маърифат бўлими услубчиси.**

***Тошкент фармацевтика институтида фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон фан арбоби унвонига сазовор бўлган олимлар***

**Асан Муртазаевич Муртазаев,**
**кимё фанлари доктори, профессор.**
**Зендель Мордкович Уманский,**
**фармацевтика фанлари доктори, профессор.**

**Рахиль Лейбовна Хазанович,**
**фармацевтика фанлари доктори, профессор.**
**Манон Азизович Азизов,**
**кимё фанлари доктори, профессор.**
**Зендель Эманулевич Манулкин,**
**кимё фанлари доктори, профессор.**

**Хамид Холматович Холматов,**
**фармацевтика фанлари доктори, профессор.**
**Собиржон Нигматович Аминов,**
**кимё фанлари доктори, профессор.**

*Меҳнати таҳсинга лойиқ*

# ТИББИЁТГА БАХШИДА УМР

***Республикамизни фармацевт кадрлар билан таъминлаш борасида ягона олий таълим муассасаси бўлган Тошкент фармацевтика институти бугунги кунда ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда. Институт шаклланиб боришида, шунингдек, фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси ташкил этилишида профессор Эркин Тошмуҳамедовнинг ҳиссаси катта.***

Э. Тошмуҳамедов Тошкент фармацевтика институтини 1952 йилда имтиёзли диплом билан битириб, дорихонадаги бир йилги фаолиятидан сўнг Москва фармацевтика институтининг фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасида таҳсил олди. Аспирантурани тугатгач, Тошкент фармацевтика институти фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор ва кафедра мудири, фармацевтика факультети декани, провизорлар малакасини ошириш факультети декани лавозимларида ишлади. Ўттиз йил давомида кафедрага раҳбарлик қилган даврда устоз ўз кучи ва эътиборини ўқув, услубий, илмий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратди.

Олим 1960 йилда "Ўзбекистон аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш йўллари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1985 йилда Харьков фармацевтика институти илмий кенгашида "Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ишларини ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича изланишлар" мавзусида олиб борган илмий-тадқиқот ишлари асосида докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ёқлади.

Кўп йиллик илмий ва педагогик фаолияти учун Э. Тошмуҳамедов 1987 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан тақдирланди. Бир йилдан сўнг эса профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Тошкент фармацевтика институти ректори сифатида олий ўқув юртининг моддий-техник базасини яхшилашга, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ишларига катта эътибор берди. Унинг раҳбарлиги остида ўндан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган.

Э. Тошмуҳамедовнинг илмий-тадқиқот ишлари асосан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон аҳолиси ва соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган. Унинг шогирдлари Марказий Осиё республикалари фармацевтика бозорини ҳам зарур дори воситалари билан тўлдириш механизмини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Ўз касбининг моҳир устаси томонидан 280 дан зиёд илмий мақола, иккита дарслик, тўртта монография, учта фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёт фани бўйича маърузалар матни, фармацевтика йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун қатор қўлланмалар чоп этилган.

Профессор кўп йиллар мобайнида Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дорихоналар бош бошқармаси, Тошкент фармацевтика институти ихтисослашган кенгашлари ҳамда "Фармацевтика" журнали таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон илмий фармацевтлар жамияти бошқаруви раиси сифатида ишлаб келди, ҳозирда эса "Фармсаноат" фирмасининг етакчи маслаҳатчиси сифатида фаолият юритмоқда.

Устозимиз Ўзбекистонда доришунослик равнақ топиши, дорихоналар тизими, доридармон бозори шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган ташкилотчи олимдир. Унинг самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони, "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишонига сазовор бўлган.

Эркин Тошмуҳамедов доришунослар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабалар орасида катта обрў-эътибор қозонган. Устоз ҳозирги кунда нафақада бўлсада, кафедра профессор-ўқитувчиларининг доимий маслаҳатчисидир. Ўзининг бой тажрибасини фармациянинг ҳозирги замон илғор янгиликларига боғлаган ҳолда ёшларга сидқидилдан ўргатиб келмоқда.

**Фармацевтика соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган устозимиз Э. Тошмуҳамедов янада бардам, биз шогирдлари учун қимматли инсон бўлишларини истаб, уларга узоқ умр ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.**

**Ш. УМАРОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси мудири, фармацевтика фанлари номзоди, доцент.**

# ҲАЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ



***Латиф Икромов 1932 йил 18 февралда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. У 1954 йилда Тошкент фармацевтика институтини имтиёзли диплом билан битириб, Москва фармацевтика институтининг суд-кимё кафедрасида илмий фаолиятини бошлади. 1959 йилда "Кобальт бирикмаларини биологик объектлардан ажратиб олиш усуллари ва уларни суд-кимё экспертизалар таҳлилида қўллаш" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.***

Латиф Тўлаганович Тошкентга қайтгач, Тошкент фармацевтика институтида суд-кимё йўналиши бўйича ассистент, катта ўқитувчи ва доцент бўлиб ишлаган. 1966 йилда институт тарихида биринчи бўлиб у суд-кимё (токсикологик кимё) кафедрасини ташкил қилди ва ушбу кафедра қошида Суд кимёгарлари ихтисослаштириш ўқув курси очилди.

Янги ташкил этилган токсикологик кимё кафедраси 1991 йилгача суд кимёгарларини тайёрлаш бўйича ягона марказ бўлиб хизмат қилди. Л. Икромовнинг ташаббуси билан 1987 йилда Марказий Осиё республикалари наркологик лабораториялари учун мутахассислар тайёрловчи ҳудудлараро лаборатория ишга туширилди.

Олим Л. Икромов мамлакатимизда пахтачиликда қўлланиладиган заҳарли химикатларнинг токсикологик кимё жиҳатидан аниқлаш усуллари – мутлақо янги илмий йўналишни яратди. У уч юзга яқин илмий асарлар муаллифи, шулардан бештаси токсикологик кимё бўйича ёзилган дарсликлардир. Жумладан, Суд кимё дарслиги 1967 йилда Д. И. Менделеев номидаги кимёгарлар жамиятининг фахрий ёрлиги ва биринчи даражали дипломига сазовор бўлган. Бевосита Л. Икромов раҳбарлигида иккита фан доктори ва 16 нафар фан номзодлари тайёрланган

Олим фармацевтик, токсикологик ва суд кимёси бўйича услубий комиссиялар аъзоси бўлибгина қолмасдан, Тошкент фармацевтика институти талабалари учун токсикологик кимё бўйича тузилган ўқув дастурларни яратишда ҳам фаол қатнашди. Илмий изланишлари ва илмий даражали ходимлар тайёрлашдаги салмоқли хизматлари инобатга олинган ҳолда 1978 йилда Л. Икромовга профессорлик илмий унвони берилди. Бундан ташқари, самарали меҳнати учун "Халқлар дўстлиги", "Ҳурмат белгиси" орденлари, кўплаб медалларга сазовор бўлган. Қарийб 55 йиллик иш фаолияти даврида Тошкент фармацевтика институтида декан, ўқув ва илмий ишлари бўйича проректор, ўн беш йил давомида илмий котиб, касаба уюшмаси раиси лавозимларида ишлаб, фармация фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган.

Устозимизни Тошкент фармацевтика институтининг ёрқин фаолиятидаги муҳим босқичи билан табриклаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр ёр бўлишини тилаймиз.

**М. АЛИХЎЖАЕВА,**
**Тошкент фармацевтика институти токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори.**

# ЎСИМЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

***Мутахассисларнинг таъкидлашича, ер юзида 250 минг атрофида гуллайдиган ўсимлик турлари мавжуд. Шулар жумласидан камида 75 мингтаси Европа ва Осиё қитъаларида тарқалган. Ўзбекистон ҳудудидаги 344,2 мингдан зиёд ўсимлик туридан 577 таси доривор ҳисобланади. Мамлакатимизда доривор ўсимлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни иложи борича тўла қондириш борасида энг зарурий шартлардан бири экспедициялар ташкил қилган ҳолда ёввойи гиёҳларни ўрганишдир.***



Шунингдек, ўсимлик маҳсулотлари билан тиббиёт талабини тўла қондириш учун табиат, доривор ўсимликлар экологиясини чуқурроқ ўрганиш ҳам олимлар олдида турган асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Тошкент фармацевтика институти кафедрасида ресурсшунослик ишлари маълум даражада олиб борилган. Барча вилоятлар ўрганилган бўлсада, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари нисбий ўсимликларга бой деб хулоса чиқарилган. Бугунги кунда асосий маҳсулотлар шу бешта вилоятдан йиғиб олинади. Ўсимликлар хом ашёсини асраш, захирасини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, илмий асосда ва керакли миқдорда йиғиб фойдаланилса, табиатга сезиларли путур етказилмайди.

Кўплаб илмий-оммабоп адабиётларда республикамиз, айниқса, доривор ўсимликларга бой ҳудуд деб эътироф этилган. Шунингдек, илмий адабиётларда доривор ўсимликлар тавсифланиб, улардан ҳар хил касалликларни даволаш учун тавсиялар берилган. Муаллифларга тўхталсак, турли соҳа эгалари учраб туради. Бундай ҳолат ўсимлик оламиэ ва улардан тўғри фойдаланишга салбий таъсир этади. Ўлкамиз эндемик ўсимликларга бой десак, янглишмаймиз.

Доривор ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлардан кўпқиррали фойдаланиш, фойдали ўсимликнинг хом ашё қисмидан ташқари, бошқа қисмларини чиқиндига чиқармаслик ҳам асосий масалалар қаторига киради.

Шу мақсадда доривор ўсимлик хом ашёсидан тежамкорлик билан фойдаланишга кўрсатмалар тайёрлаш лозимдир. Ўз навбатида, тавсия этилган ўсимликни экиб ўстириш масаласини тажриба майдончаларида синаш ва олинган ижобий натижаларни амалиётга киритиш энг муҳим ишлардан биридир. Назаримизда, ёввойи ўсимликларни йиғиб олиш ишлари махсус рухсатнома орқали олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қайд этилган масалалар амалга оширилса, тиббиётимиз ўсимлик хом ашёси билан узлуксиз таъминланади ва ёввойи ўсимликлар захираси сақлаб қолинади.

**А. ИБРАГИМОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти фармацевтика фанлари доктори, профессор.**

**Мангу барҳаёт**

# ҲАМИША ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

***Комплекс бирикмалар синтези ҳамда хоссаларини ўрганиш соҳасидаги илмий изланиш ва кашфиётлар кўплаб элементларнинг биологик хусусиятларини тушунтиришга, бинобарин, муайян биологик хоссаларни намоён эта оладиган биофаол мажмувий бирикмаларни синтез қилиш асосларини ишлаб чиқиш имконини берди.***

Кимё ва тиббиёт фанлари ҳамкорликда ривожланишида муҳим омил бўлган, 3d-элементларнинг биофаол моддалар билан мажмуавий бирикмалар синтези ва тадқиқотлари йўналишига асос солган марҳум устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Маннон Азизов мажмуавий бирикмалар жиловкори ҳисобланса, унинг истеъдодли, фидойи ва садоқатли шогирдлари эса ушбу илмий йўналишнинг давомчиларидир.

Профессор М. Азизов бошчилигида микроэлементларнинг биологик фаол моддалар билан мажмуавий бирикмаларини синтезлаш ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда биологик хоссаларини ўрганиш борасида жиддий илмий изланишлар олиб борилди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида юзга яқин моддалар олиниб, улардан биологик фаоллари аниқланди. 1958 йилда биринчи бор мажмуавий бирикмаларга оид коамид препарати кашф этилди. Ушбу препарат тиббиётда камқонлик касаллигида қўллаш учун тавсия этилди ва Тошкент кимё-фармацевтика заводида ишлаб чиқарила бошланди. Кейинчалик Украина фанлар академияси академиги К. Яцимирский бионоорганик кимё фани шаклланмасидан кўп йиллар олдин ўзбек олими, профессор М. Азизов ўзининг коамид препаратини тиббиёт амалиётига киритганини ва бу фан сарчашмаларидан биринчи бўлиб бахраманд бўлганлигини таъкидлаган.

Ушбу илмий йўналиш натижалари М. Азизовнинг “Баъзи микроэлементларнинг биологик фаол моддалар билан мажмуавий бирикмалари” номли монографиясида тўлиқ акс эттирилган. Рисола сўзбошида академик А. Гринбург танланган илмий йўналишга юқори баҳо берган. Илмий изланишлар кўлами йилдан-йилга ортиб борди. Кўплаб янги моддалар олиниши ва замонавий усуллар билан таҳлил қилиниши (ИК, ЭПР, ЯМР ва электронспектроскопия, дериватография, рентгентузилма таҳлили), биологик хоссалари ўрганилиши натижасида бир қатор қонуниятлар очиш имконини берди.

Ушбу изланишларни такомиллаштириш мақсадида 1974 йилда профессор М. Азизов бошчилигида аналитик кимё кафедраси таркибида лаборатория ташкил этилди, кейинчалик 1981 йилда бу лабораторияга марказий илмий-текшириш лабораторияси мақоми берилди.

1980 йилга келиб беш юздан ортиқ мажмуавий бирикмалар синтезланди. Улардан танланганларининг тиббий-биологик хоссаларини ўрганиш натижалари бўйича юздан ортиқ фан доктори ва номзодлик диссертациялари ёқланди, тиббий амалиётда камқонлик, қандли диабет, юрак қон-томир касалликлари, гепатитда қўллаш ҳамда қишлоқ хўжалигида чорва ва қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш учун йигирмага яқин препаратлар тавсия этилди. Шулардан ўн иккитасига муаллифлик гувоҳномаси берилди. Ферамид препарати камқонлик касаллигида яхши натижалар бериб, Хабаровск ва Тошкент кимё-фармацевтика заводларида ишлаб чиқарила бошланди. Купир препаратини саноатда ишлаб чиқаришга рухсат берилди.

Мустақиллик йилларида кенг имкониятлар яратилди. Профессор Маннон Азизов бошлаб берган илмий йўналиш унинг фидойи ва садоқатли шогирдлари томонидан давом эттирилди. Жумладан, улардан бири институт ректори, профессор А. Юнусхўжаев раҳбарлигида айни йўналишда кашф этилган купир, пирацин, кобафитин, фераск каби бир қатор дори препаратлари саноат миқёсида ишлаб чиқарилишига эришилди.

Дарҳақиқат, мажмуавий бирикмаларни тиббиётга татбиқ қилишдек серқирра ва сермаҳсул илмий йўналиш садоқатли жиловкорлар раҳнамолигида давом эттирилмоқда.

2013 йил 1 майда М. Азизов таваллуд топганига 100 йил тўлади. Маннон Азизовнинг илмий хизматлари илм аҳли, айниқса, кимёгар, доришунослар орасида яхши маълум. Маннон Азизович қарийб ўн беш йил Тошкент фармацевтика институтига ректорлик қилди, бир неча йил аналитик кимё кафедраси мудири, марказий илмий-текшириш лабораторияси илмий раҳбари бўлиб ишлади.

Ана шундай машаққатли меҳнатлар ортидан фан ривожига ўзининг бетакрор билим ва илмини бахшида этган Маннон Азизов шогирдлари, қолаверса, тиббиёт аҳли қалбида абадий яшайди.

**О. ШОБИЛАЛОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти кимё фанлари доктори, профессор.**

# КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН БОЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

***Ўзбекистон электрокимё фанининг ривожи моҳир педагог, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фан арбоби Асан Муртазаев номи билан чамбарчас боғлиқ. Кўп йиллик илмий ва педагогик изланишлар самараси боис, устоз ана шундай шараф ва эътирофга муяссар бўлди.***

А. Муртазаев 1899 йилда ўқитувчи оиласида таваллуд топди. У 1922-1924 йилларда Симферополь кимё-фармацевтика техникумини тамомлаб, 1926 йилгача мактабда ўқитувчи ва дорихонада ишлади.

Сўнг Ўрта Осиё давлат университетидаги талабалик давридаёқ мактабда, сўнгра педагогик техникумда кимё фанидан дарс берди. Университетни тугатгач Ўрта Осиё геология қидирув институтининг кимё кафедрасида ассистент бўлиб хизмат қилди. 1936 йилда Москвада академик А. Фрумкин раҳбарлигида “Галлийнинг электрокапилляр эгриси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, Ўрта Осиё университетида доцент вазифасида иш бошлади. 1943 йилдан эса Асан Муртазаевичнинг асосий илмий фаолияти Тошкент фармацевтика институти билан чамбарчас боғланди.

1943-1984 йиллар давомида А. Муртазаев анорганик физик ва коллоид кафедраси мудири, кейин профессори бўлиб ишлади. 1950 йилда “Кислоталар ва ишқорлар эритмасида кобольтли электроднинг электрокимёвий хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади ва 1975 йилда унга профессор унвони берилди.

Профессор илмий-тадқиқотларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институти, Чирчиқ электрокимё комбинати билан ҳамкорликда олиб борди, унинг изланишлари натижалари саноат миқёсида жорий этилди. А. Муртазаев раҳбарлигида саккизта фан номзоди тайёрланди, юздан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Олимнинг илмий, педагогик ва ижтимоий фаолияти юксак қадрланиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда кимёгарлар ва фармацевтлар устозни бирдек ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олади. Ажойиб фазилат соҳиби бўлган Асан Муртазаев ҳақида ўйлаганимда, у кишининг ибратли ҳаёти, илмий қарашлари, ҳар бир мутахассис ижодига қанчалик хайриҳохлик билан ёндошганини яхши эслайман.

**Асан Муртазаевичнинг бекиёс илмий салоҳияти, дарс бериш маҳорати, талабчанлиги барчамизга ўрнак бўлади. Жонкуяр устозимиз гарчи бугун орамизда бўлмаса-да, унинг келажак авлодга қолдирган бой маънавий, илмий, ўқув-услубий мероси қалбларда мангу яшайди.**

**С. АМИНОВ,**
**Ўзбекистон фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор.**

# КОМИЛЛИК САРИ ИНТИЛГАН

***Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг азиз номи ва қолдирган бой илмий мероси йиллар ўтса ҳам асло унутилмайди. Профессор Султон Маҳкамовнинг ҳаёт йўли ҳам ана шундай ибратга лойиқ.***

У 1930 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1948 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент фармацевтика институтига ўқишга қабул қилинди. Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битирган бу қобилиятли ва изланувчан йигит институтнинг ўзида аспирантурани давом эттирди.

Аспирант С. Маҳкамов таблетка дориси технологиясини ишлаб чиқиш бўйича чуқур изланишлар олиб боришга киришди. Ушбу мавзуда адабиётлар деярли бўлмагани боис, 1955 йилда Москва кимё-фармацевтика заводи негизида жуда бой экспериментал материал тўплашга муваффақ бўлди. Вақт ўтиб Султон Маҳкамов номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, таблеткалар технологияси бўйича “султон” номига сазовор бўлди.

Ёш олим ўз изланишларини давом эттирган ҳолда, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1981 йилда эса унга профессор унвони берилди.

Соҳадаги ривожланиш шу даражага бориб етдики, ҳатто ўзига хос илмий мактаб яратилди. Институт кафедрасида С. Маҳкамов раҳбарлигида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари муаллифлари Москва, Харьков ва Львов шаҳарларидаги диссертацион кенгашларда диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қила бошлашди.

Султон Маҳкамов дорилар технологияси кафедрасига мудирлик қилган даврида нафақат кафедранинг моддий базасини бойитиши, балки ўқув-услубий йўналишда ҳам катта ишларни амалга оширди.

**Хусусан, фан бўйича рус ва биринчи марта ўзбек тилларида монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар чоп этилган. Олим ушбу жараённи ҳаттоки нафақага чиққан даврида ҳам давом эттиргани эътиборга лойиқдир.**

**К. МАҲМУДЖОНОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти Дори технологиялари кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, профессор.**

# ФИДОЙИ ВА САДОҚАТЛИ КАСБ ЭГАСИ ЭДИ

***Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, Тошкент фармацевтика институтини барпо этишга асос солган олимлардан бири, доцент Али Раҳимов ҳақида қанчалик кўп гапирмайлик, унинг бой илмий мероси тўғрисида тўхталмайлик, барибир озлик қилади.***

А. Раҳимов Чимкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси ўз даврининг зиёли, маърифатпарвар инсонларидан бўлган. Шу сабабли Али дастлабки таълимни рус мактаб-интернатида олди. Илк ўқитувчилик фаолиятини эса Чимкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номили 1-мактабдан бошлади.

1922 йилда А. Раҳимов Тошкент шаҳридаги қисқа муддатли педагогик курсларда Фитрат ва Абдулла Авлоний сингари профессор-ўқитувчилар қўлида таҳсил олди ва кейинчалик Ўрта Осиё давлат университетининг 2-босқичига қабул қилинди. Ўқишни тугатгач, Тошкентдаги Машраб ва Навоий номидаги мактабларда педагоглик фаолиятини давом эттирди. 1928-1930 йилларда ўзбек аёллари институтида даставвал ўқитувчи, кейинчалик ўқув ишлари мудири сифатида ишлади. 1936 йилда ўсимлик анатомияси ва физиологияси мутахассислиги бўйича аспирантурани тамомлади. Бир неча йил Ўрта Осиё давлат университетининг ишчи ва биология факультетларида ботаника фанидан дарс берди. Унинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ботаника кафедраси ташкил этилди. 1937 йилдан бошлаб А. Раҳимов ўз фаолиятини Тошкент фармацевтика институтида давом эттирди. Бу ерда ботаника кафедраси ташкил топишида фаоллик кўрсатди.

Тажрибали мутахассиснинг илмий-тадқиқот ишлари асосан табиат ва ўсимлик дунёсининг муҳофазаси билан чамбарчас боғлиқ эди. 1948 йилда устоз Тошкент оазиси бегона ўтлари ҳақидаги кўп йиллик тадқиқотлари асосида биология фанлари номзоди диссертациясини ёқлади. Унинг раҳбарлигида иккита фан номзоди тайёрланди, саксонга яқин илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, талабалар учун икки жилдлик “Ботаника дарслиги” рус тилидан ўзбек тилига моҳирона таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди.

Али Раҳимовнинг меҳнати давлатимиз томонидан юксак қадрланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ўз касбининг жонкуяри А. Раҳимов ёшларнинг чин маънодаги севимли устози эди. У киши дарсликлар, маърузалар ва суҳбатларида она Ватанни севиш, жонажон табиатимизни асраб-авайлаш, инсонларга нисбатан меҳрли ва эътиборли бўлишни сингдира олди.

**Устознинг илмий мероси ёш авлод учун ибрат мактабини ўтамокда. Унинг фармацевтика соҳаси ва ривожига бағишланган илмий-педагогик фаолияти йиллар ўтса ҳам шогирдлари қалбида мангу сақланади.**

**Ў. АҲМЕДОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти ботаника курси мудири, профессор.**

*Имконият ва самара*

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРАЛАРИ

**Бугунги кунда педагог кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ўқув-услубий ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш масалалари долзарбдир.**

Таъкидлаш жоизки, бу борада замонавий таълим технологиялари бўйича касбий ва педагогик маҳорат давлат талаблари асосида доимий равишда ўсиб бориши тақозо этилади. Ўқув-тарбия жараёни юқори илмий-услубий даражада олиб борилишини таъминлаш учун педагогик, ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол усуллари бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни ҳам мунтазам равишда янгилаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги қарорида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ихтисослаштирилган базавий ва етакчи олий таълим муассасалари белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад – Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабларидан келиб чиқиб, жаҳон андозаларига мос кадрларни тайёрлашда дастлаб олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятидан кенг фойдаланиш эди.

Тошкент фармацевтика институтининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари билан ишлаш бўлими институт қошидаги академик лицей ва 2-Республика тиббиёт коллежи, шунингдек, фармация йўналишидаги барча тиббиёт коллежлари билан ҳамкорлик ишларини олиб боради.

Бугунги кунда институтимизда таълим тизимининг ҳуқуқий-меъёрий, ўқув-услубий, ахборот таъминоти мустаҳкамланиб, илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини ошириш учун етук олимлар, тажрибали педагог ва амалиётчи-мутахассисларни жалб этиш билан бирга, ўқув жараёнига энг замонавий педагогик технологиялар жорий этилиб, янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланилмоқда.

Тиббиёт коллежларида фармация йўналиши педагоглари учун маҳорат мактаблари, семинар-тренинглар вилоятлар кесимида ташкил этилиб, мутахассисликка оид янги чоп этилган адабиётлар, маъруза матнлари кўринишида амалий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Малака ошириш жараёнини юқори даражада ташкил этиш учун институтда барча шарт-шароитлар яратилиб, етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан педагогларнинг касбий маҳорати замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ошириб келинмоқда.

**Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ақл-идрокини ўстириш, уларни маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, комил инсон этиб етиштириш учун энг аввало педагогнинг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши лозим. Шундай ҳамкорликдаги бундай фаолиятлар етук кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.**

**Г. ЮСУПОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти Академик лицей ва касб-ҳунар коллеж педагоглари билан ишлаш бўлими бошлиғи, фармацевтика фанлари номзоди, доцент.**

# УКРЕПЛЯЯ МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ

**В эти юбилейные дни мы отдаем дань уважения тем, кто стоял у истоков создания Ташкентского фармацевтического института и на протяжении многих лет честно трудился во благо Отечества, способствуя не только развитию высшего профессионального образования, но и превращению нашего вуза в подлинный центр науки и педагогического мастерства.**

Институт по праву может гордиться своими преподавателями, среди которых немало видных ученых, и не одним поколением выпускников, которые сегодня успешно трудятся в различных областях фармации.

Конечно, в этот день хотелось бы сказать несколько слов о наших международных связях.

Возрастающая роль международных отношений, их влияние на совершенствование образовательного и интеллектуального уровня современного специалиста стало основой открытия в 2003 году специального отдела международных связей.

В Ташкентском фармацевтическом институте с первых дней независимости нашей страны было положено начало реформированию образовательного процесса. В течение шести лет институт участвовал в специальном проекте Регионального бюро ВОЗ по реформированию фармацевтического образования. При этом наш институт, по оценке экспертов ВОЗ, успешно реализовал проект, в частности, в учебный процесс были внедрены новые дисциплины, ориентированные на потребности системы здравоохранения.

Сегодня институт сотрудничает с ведущими вузами Украины, России, Казахстана, Кыргызстана. Молодые преподаватели, стажеры-исследователи, многие сотрудники института прошли стажировку в Англии, Малайзии, Германии (Магдебургской университет Отто фон Герике, клиника Шарите Берлинского Гумбольдского университета), России, Украине, Китае, Индии, Египте, Турции и др.

Ежегодно на базе нашего института проходят семинары-тренинги, "круглые столы", лекционные занятия по вопросам лекарственного обращения с участием ученых и специалистов из России, Украины, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана. Кроме того, в Ташкентском фармацевтическом институте за последние годы прошли обучение десятки студентов из Израиля, Индии, Вьетнама, России, Казахстана и Туркменистана.

Я уверена, что коллектив нашего института всегда будет хранить верность славным традициям своих предшественников и вносить достойный вклад не только в развитие отечественной науки и образования, но и в мировое сообщество.

От всей души желаю коллективу института больших творческих открытий, оптимизма, здоровья, счастья, благополучия, дальнейшего процветания и новых свершений!

**С. РАСУЛОВА,**
**начальник отдела международных связей Ташкентского фармацевтического института.**

# ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

***Давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, улар ҳар жабҳада фаол ва ташаббускор бўлишларига кенг имкониятлар яратиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда албатта, Тошкент фармацевтика институти хотин-қизларининг ҳам алоҳида ўрни бор.***

Бугунги ўзбек аёли оқила ва доно, замонамизнинг забардаст олимасию, тиниб-тинчимас жамоат арбоби. Ўзбек аёли сиймосида – Шарқ аёлининг ақлу заковати, фазлу камоли мужассам.

Биргина фармация соҳасини оладиган бўлсак, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ўзининг бой тажрибаси, иқтидорини ишга солиб, эгнидаги оқ либосини ардоқлаб келаётган қанчадан-қанча опа-сингилларимиз борлигидан фахрланиш мумкин. Шундай экан, институт хотин-қизлар қўмитаси ҳам аёллар ва талаба-қизлар манфаатини ижтимоий ҳимоя қилиб келмоқда. Бугунги кунда жамоада 377 нафар хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда, улардан 8 нафари фан докторлари, 65 нафари фан номзодларидир.

Мазкур йилда саноат фармация факультети космецевтика йўналиши 4-босқич талабаси Ф. Жалилова Ибн Сино номли давлат стипендияси совриндори бўлди. Ундан ташқари, 70 нафар иқтидорли талабалардан 49 нафарини қизлар ташкил этиши қувонарли ҳолдир. Айни кунда "Профессор М. Азизов" номли стипендия соҳибаси 3 нафар, "Дори-Дармон" АК стипендияси соҳибалари эса 5 нафардан иборат.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Ораста қизлар" тўгараги ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўгаракнинг мақсади талаба-қизларда шахсий гигиеник қоидаларни тўғри шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборни қаратиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги, ҳомиладорликка оид тушунчалар, шунингдек, иш режага мувофиқ «Маънавият соати» дарсларида хотин-қизларга керакли маслаҳат ва тавсиялар бериб борилмоқда. Ушбу учрашувларда соҳанинг етук мутахассислари томонидан соғлом турмуш тарзи асослари, соғлом оилани бунёд этишда хотин-қизларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар қилинмоқда.

**"Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган йўналишлар институт хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг бош вазифаларидан биридир.**

**С. ҚОДИРОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти хотин-қизлар қўмитаси раиси, доцент.**

# ТАЛАБАЛАРНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

***Тошкент фармацевтика институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, билими, иқтидорини намоён этиш учун имконият яратиб бериш, ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, турли оқимларга кириб қолишининг олдини олиш масаласига бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.***

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган талаблар ва кўрсатмаларни ўрганиш юзасидан профессор-ўқитувчилар томонидан талаба-ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши ҳам анъанага айланган. Талабалар бўш вақтини унумли ўтказиш, турли ёт ғояларга қарши курашиш, ёшлар фаоллигини янада оширишни ўз олдига мақсад қилган "Кўз тегмасин" қувноқлар ва зукколар гуруҳи институт тадбирларида доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқда. 2011 йил декабрь ойида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандларини маънан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Эзгу ишда биргамиз" шиори остидаги хайрия тадбири барча олий ўқув юртлари, шу жумладан, Тошкент фармацевтика институти бошланғич ташкилоти учун ҳам самарали кечди. Бундан ташқари, институтимизнинг иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан шаҳар кенгаши ҳамкорлигида шаҳримиздаги барча меҳрибонлик ва мурувват уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, юз нафар кам таъминланган оила фарзандларига совғалар берилди.

"Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти Маннон Азизов номидаги ҳамда "Дори-дармон" акциядорлик жамиятининг стипендияларига иқтидорли ёшларни тавсия этишда асосий кучга эга. 2012 йилда талабаларимиздан Аброр Муҳиддинов ва Раъно Зиямуҳамедова Ибн Сино номидаги стипендия, Зулхумор Хатамова, Феруза Жалилова ва А. Худойбердиев "Камолот" таълим гранти ва стипендиясига сазовор бўлишди.

**Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент фармацевтика институти талабаларининг суянчи ва таянчи бўлишдек вазифани бажаришга доим тайёрдир.**

**А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Тошкент фармацевтика институти "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси.**

# ПРОДОЛЖАЯ ТРАДИЦИИ

***Кафедра фармакогнозии является ровесницей Ташкентского фармацевтического института. Основатель кафедры профессор Рахиль Хазанович внесла вклад в формирование отечественной школы фармакогностов, подготовила двух докторов и 32 кандидата фармацевтических наук. И в этом ряду особое место принадлежит ее первому ученику, заслуженному деятелю науки республики, доктору фармацевтических наук, профессору Хамиду Халматову.***

Х.Халматов, окончив в 1944 году Ташкентский фармацевтический институт, поступил в аспирантуру, впервые организованную при кафедре фармакогнозии. С тех пор его жизнь неразрывно связана с институтом и кафедрой фармакогнозии. В 1950 году он защитил диссертацию на соискание ученой степени кандидата фармацевтических наук на тему "Фармакогностическое изучение трех видов зверобоя, произрастающих в Средней Азии".

В 1947 году он начал педагогическую деятельность в должности ассистента. Ассистент, доцент, декан, проректор по учебной и научной работе, ректор института – вот этапы большого пути, который прошел талантливый ученый и организатор Хамид Халматов. В 1957 году он удостоен ученого звания доцента, в 1975 году успешно защитил докторскую диссертацию по результатам изучения лекарственных растений народной медицины Узбекистана диуретического действия. В 1977 году получил звание профессора и заслуженного деятеля науки Узбекистана.

Продолжая традиции научной школы, заложенные профессором Р.Хазанович, Хамид Халматов внес большой вклад в развитие отечественной фармакогностической науки. С его именем связаны целенаправленные исследования лекарственных растений народной медицины Узбекистана и наследия Абу Али ибн Сино. Им опубликовано более 300 научных статей, 20 монографий, 16 научно-популярных книг по дикорастущим лекарственным растениям Узбекистана и Центральной Азии, пять словарей, девять учебников по фармакогнозии для студентов фармацевтических вузов и фармотделений медицинских колледжей, неоднократно побеждавших на республиканских конкурсах лучших учебников. Под его руководством защищены три докторские и восемь кандидатских диссертаций. Сегодня традиции фармакогностической школы успешно развиваются нынешним поколением ученых – профессорами Т.Пулатовой, А.Ибрагимовым, Х.Комиловым, Ф.Урмановой.

В Хамиде Халматовиче гармонично сочетаются талант ученого, педагога и неутомимого организатора. Будучи на протяжении длительного времени (1970-1985гг.) ректором Ташкентского фармацевтического института, профессор Х.Халматов внес большой вклад в подготовку фармацевтических кадров для Узбекистана и других республик Центральной Азии, развитие отечественной фармацевтической науки и практики, упрочение статуса института, объединение вокруг него фармацевтической общественности республики.

За плодотворную научно-педагогическую и общественную работу Хамид Халматов награжден орденами, медалями, многочисленными очетными грамотами.

Высокая компетентность и профессионализм Х.Халматова, его талант как ученого и педагога, активная жизненная позиция доброжелательного и принципиального человека снискали признание и безмерное уважение коллег, учеников и друзей. Тысячи выпускников института во всех уголках нашей республики и далеко за ее пределами с благодарностью вспоминают своего учителя.

И сегодня, находясь на заслуженном отдыхе, профессор Х.Халматов не мыслит себя без института, без кафедры фармакогнозии, продолжает щедро делиться с учениками своими знаниями и опытом.

Коллектив кафедры старается не опускать планку высоких требований, установленную учителем. Закалка, полученная у него, помогает нам справляться с любыми трудностями, по нему мы сверяем наши дела. Надеемся, что эстафета, переданная нам Хамид Халматовичем, будет непременно продолжена.

С институтом связана вся жизнь дорогого всем нам учителя. В эти юбилейные дни желаем ему долгих лет жизни и обращаемся со словами поэта: "Учитель, позволь пред именем твоим смиренно преклонить колени!".

**Ф. УРМАНОВА,**
**заведующая кафедрой фармакогнозии,**
**доктор фармацевтических наук,**
**профессор.**

# ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР МАСКАНИ

***Талаба-ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида улардан нафақат ўқитилаётган фанларни чуқур ўзлаштиришлари, балки мустақил илмий изланишлар олиб бориш ва жамоат ишларида фаол иштирок этишлари талаб этилади. Шу каби фазилатларга эга бўлган талабаларни рағбатлантириб бориш мақсадида Тошкент фармацевтика институтида ҳам иқтидорли талабаларни мақсадли равишда номдор стипендияларга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор, М. Азизов ҳамда "Дори-Дармон" АКнинг стипендиялари таъсис этилган.***

Ушбу стипендияларга грант ёки шартнома асосида ўқиши, миллати, жинси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Тошкент фармацевтика институтининг ҳар бир бакалавр ва магистр талабаси номзод бўлиши мумкин. Стипендия соврин-дори бўлиш учун талабалар барча фанлардан фақат аъло баҳоларга ўқиши, илмий жамият аъзоси бўлиши ҳамда илмий-тадқиқот ишлари асосида мақола ёки тезислар чоп этиши, маънавий-маърифий ва жамоат ишларида фаол иштироки, чет тилини яхши ўзлаштирган ва компьютер саводхонлигига эга бўлиши лозим.

"Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида 1-курс талабаларини "Талабалар сафига қабул қилиш" билан бир қаторда, "Профессор М. Азизов" ҳамда "Дори-Дармон" АК стипендияси танловида ғолиб чиққан талабаларга сертификатларни тантанали топшириш институтнинг аъаналаридан бири бўлиб қолган. 2012-2013 ўқув йилида "Профессор М. Азизов" номли стипендия танловида қуйидаги талабалар ғолиб деб топилдилар: Фотима Ёқубжонова, Мадинабону Турсунова – биотехнология, Соҳиба Холмирзаева – саноат фармация, Гулраъно Аҳмадова – фармация, Юлдуз Асланова – касб таълим йўналишлари.

2012-2013 ўқув йилида "Дори-Дармон" АК стипендияси танловида эса қуйидаги талабалар: Шавкатжон Азизов, Наргиза Султанбаева, Луиза Карелина – фармация, Фарруҳ Балтаев – касб таълими, Наргиза Садриддинова – саноат фармация йўналишлари бўйича ғолиб бўлдилар.

Номдор стипендия ғолиблари эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, ўз устиларида янада кўпроқ ишлаб, билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқдалар. Шундай иқтидорли талабалардан бири фармация факультети 5-курс талабаси А. Муҳитдиновдир. У ўзининг намунали хулқи, илмий изланувчанлиги билан талабалар орасида ҳурмат қозонган. Аброр Муҳитдинов "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти кенгаши аъзоси. У аъло баҳоларга ўқиши билан биргаликда институтнинг маънавий-маърифий, илмий-амалий ишларида ҳам фаол қатнашиб келади ва профессор С. Аминов раҳбарлигида маҳаллий хом ашё – саримсоқ пиёзи асосида яллиғланишга қарши янги дори воситасини илмий жиҳатдан ўрганиш устида илмий изланишлар олиб бормоқда. 2007 ва 2009 йилларда намунали хулқи ва ўқишда эришган юқори натижаларига кўра "Дори-Дармон" АК стипендияси совриндори Аброр 2011 йили Ибн Сино номли Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Ўтган ўқув йилида "Профессор М. Азизов" номли стипендия соҳиби, 4-курс саноат фармация факультети космацевтика йўналиши талабаси Феруза Жалилова профессор М. Тожиев раҳбарлигида бу ўқув йилида Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси ғолиби бўлди. Биз барча талаба-ёшларга илм чўққиларини забт этишларида улкан муваффақиятлар тилаб, иқтидорли талабаларимиз сафи янада кенгайишини истаб қоламиз.

**А. ҒАНИЕВ,**
**Тошкент фармацевтика институти фармация факультети декани, фармация фанлари номзоди доцент.**

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

***Институтнинг илмий изланишлар бўйича асосий йўналишлари соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаси ривожланишига тўла мос келади ва қуйидаги илмий масалаларни ечишга қаратилган:***

*1. Ўзбекистонда ўсадиган ёввойи доривор ўсимликларни ўрганиш ва ўстириш технологиясига кўрсатмалар ишлаб чиқиш.*

*2. Маҳаллий хом ашёлар асосида препаратлар яратиш ва уларнинг биофармациясини ўрганиш.*

*3. Координацион бирикмалар асосида доривор препаратлар яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш.*

*4. Фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисодиёти.*

Бу тўртта йўналиш бўйича илмий ишлар фармацевтик кимё, фармакогнозия, анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё, дори турлари технологияси, дори воситаларининг саноат технологияси, биотехнология, фармакология, физиология, микробиология ва клиник фармация, органик, биологик ва токсикологик кимё, фармация ишини ташкил қилиш кафедраларида ва ботаника курсида олиб борилади.

Институт 2008-2012 йилларда ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" республика ярмаркасида бир қатор ишланмалари, яратган препаратлари билан қатнашди. Ҳозирги вақтда препаратлардан: пирацин, ферамид, мумиё асил капсулалари, ферасх ва гелрем каби дори воситалари саноат микёсида ишлаб чиқарилмоқда. Айни кунларда "Маҳаллий тиббий ва синтетик хом ашёлар асосида дори воситаларининг янги юқори самарадор технологияларини ишлаб чиқиш" бўйича 5 та лойиҳа устида, жами қиймати 295 миллион сўмлик шартнома асосида илмий тадқиқот ва инновацион ишлар олиб борилмоқда. Институтда республикамизда ягона бўлган фармацевтика соҳаси бўйича диссертациялар ҳимоясини амалга оширадиган ихтисослашган кенгаш ва "Фармацевтика журнали" самарали фаолият кўрсатмоқда.

**Тарихий ютуқларга фахр билан назар солиб, профессор-ўқитувчиларимиз фармацевтика фани ва таълимининг келажак равнақига катта умид билан қарамоқдалар.**

**Р. ТУЛЯГАНОВ,**
**Тошкент фармацевтика институти илмий ишлар бўйича проректори.**

**Тошкент фармацевтика институти фаолиятига бағишланган материаллар институт профессори Собиржон Аминов ҳамда таҳририят ходимлари ҳамкорлигида тайёрланди.**

*Ҳурматли муштарийлар!*

***Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.***

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

*Обуна – 2013*

**Ҳурматли муштарийлар!**
**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.**
**Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**
**Нашр индекси: 128.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**



Олтин куз

# ХУРМО – КЎП ДАРДГА ДАВО

***Олтин куз. Бутун борлиқ ажиб либосда. Ҳар бир дарахт мевасининг таъми, лаззати, ташқи кўриниши ўзига тортади.***



Мевалар ичида хурмонинг ўз ўрни бор. Унинг барглари яшил, гуллари сарғиш. Шохлари ниҳоятда мўрт бўлгани учун экилган йилиёқ февраль ойи охирларида пайванд қилинган жойдан бир метр юқоридан кесиб ташланади.

Хурмонинг асл ватани Хитой ҳисобланади. У Хитойдан Японияга келтирилган. Айрим тарихий маълумотларга қараганда, хурмо 1889 йил Япониядан келтирилиб, иссиқ, субтропик ўлкаларда экилган. Хурмо 1900 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг иссиқ минтақаси бўлган Сурхондарёда ўстириб келинапти. Шунингдек, Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент вилоятларида, ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам етиштирилмоқда. Айтиш жоизки, ҳозир хурмонинг "Шоколад", "Томопан" навлари бўлиб, бир донасининг оғирлиги 500-550 граммгача боради.

Биолог олимлардан марҳум академик Ёлқин Тўрақулов томонидан хурмо таркибидаги йод, калий, йодид моддалари буқоқ касали бор беморлар учун фойдали эканлиги тавсия этилган. Шунингдек, Абу Али ибн Сино хурмо шарбатидан тайёрлаб, хафақон, камқонлик, қон босими пасайиб кетганда уни меъёрлаштиришда, юқори нафас йўллари шамоллаганда, кўнгил айнаб, қусганда ичиш лозимлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, хурмо таркибида 25-30 фоиз қанднинг бўлиши ундан қиём, компотлар тайёрлаб, камқон болалар ва катталарга берилса, йод, қанд ва пектин моддаси, шунингдек, С, В, В2, ВВ витаминларга бўлган эҳтиёжни қондиради.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.**

# Полезные советы

## ГРИПП, ПРОСТУДА

Недавно были выявлены неизвестные до этого свойства чайного напитка. По мнению специалистов, чай способен обеспечить защиту от простуды и гриппа, а при заболевании облегчить течение болезни. Чай содержит катехины – вещества, которые благотворно влияют на защитную функцию организма (к слову, японцы в период эпидемии гриппа используют специальные защитные маски для лица, ткань которых пропитана катехинами). Медики рекомендуют выпивать в течение дня не менее двух чашек чая. Нужно учесть, что не каждый сорт чая содержит эти вещества. Например, в каркаде или травяном чае катехинов нет. А черные и зеленые сорта чая являются оптимальными для защиты нашего организма от болезней.

## ВОТ ТОЛЬКО ДВА РЕЦЕПТА ЧАЯ ОТ ГРИППА И ПРОСТУДЫ:

● Ополоснуть чайник кипятком, положить в него 1 ч. ложку чая и щепотку черного перца, залить стаканом кипятка, дать настояться. Пить 2-3 раза в день и на ночь.

● Взять по 1 ст.ложке черного или зеленого чая, цветков липы и ягод калины, залить (можно в термосе) 0,5 л кипятка, настаивать 5-7 часов. Пить 1-2 чашки в горячем виде на ночь при гриппе и ОРЗ, лучше с медом.

● Кстати, в зоопарке г.Казани в целях профилактики гриппа мартышкам разносят по вольерам чай и травяные настои, а на завтрак, обед и ужин вдобавок к обычному рациону их кормят апельсинами, мандаринами и лимонами. Пить чай из кружек обезьянки, конечно, пока не научились, а вот пить из носика чайника уже умеют.

## ГАЙМОРИТ, НАСМОРК

По нескольку раз в день готовить свежий раствор сока алоэ и меда в пропорции 1:1, закапывать по 2-3 капли в каждую ноздрю, после чего помассировать крылья носа.

## ЦИСТИТ

Смешать по 1 весовой части сухих цветков липы, измельченной коры дуба и листья толокнянки. 1 ч. ложку сбора залить 1 стаканом горячей воды, кипятить 15 минут на водяной бане, затем снять с огня, настаивать 30 минут, процедить. Принимать по 1 стакану теплого отвара вечером. Курс – 10-12 дней. Даже если все симптомы цистита быстро исчезнут, что обычно происходит уже на третий день приема отвара, нужно довести курс до конца, иначе болезнь утихнет лишь на  время.

## БРОНХИТ, КАШЕЛЬ

500 г. очищенного репчатого лука измельчить, смешать с 50 г меда и 2 ст. ложками сахарного песка, залить в 1 л. воды, поставить на умеренный огонь и варить около трех часов. Затем сироп остудить, перелить в бутылку с притертой пробкой. Принимать по 1 ст. ложке сиропа 4-5 раз в день в промежутках между едой.

Сироп способствует отхождению мокроты, очищению бронхов и легких и обладает заживляющим и противовоспалительным действием. На вкус он не очень приятный, но эффективный и не имеющий побочных действий. Курс лечения – 1 неделя.

## ОСТЕОХОНДРОЗ, БОЛЬ В ПОЗВОНОЧНИКЕ

В практике народной медицины существует такой домашний способ снятия боли при остехондрозе. Натереть на терке сырой картофель, смешать его пополам с медом и сделать из этой смеси компресс на больное место. Держать до ощущения легкого жжения. Медово-картофельный компресс обладает согревающим, обезболивающим эффектом. Если болит позвоночник, накладывать компресс нужно вдоль него.

## ВАРИКОЗНОЕ РАСШИРЕНИЕ ВЕН

**Значительно облегчить состояние при этом заболевании можно с помощью таких процедур:**

● Чтобы уменьшить застой крови в ногах при сидячей работе, катайте поочередно стопами одной и другой ноги теннисный мячик; сгибайте и разгибайте ноги в голеностопных суставах.

● Принимайте курсами растительные средства, которые способствуют повышению тонуса вен (настои листьев брусники, зверобоя, черной смородины).

● После теплой ванны или душа ополаскивайте ноги прохладной водой. Избегайте при этом резкого перепада температур.

## ЗАБОЛЕВАНИЯ СУСТАВОВ

В меру горячую вареную и размятую репу прикладывайте в виде компресса к болезненным суставам рук и ног, а также к местам ушибов. Так поступали еще в Древней Руси.

**Подготовила Л. ВОЛОШИНА.**

## Обуна – 2013



**Хурматли муштарийлар! «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси: 128.**

***Ҳурматли муштарийлар!***

***Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt. uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.***

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ассоциациянинг Наманган вилоят бўлими раиси
**Абдуахат Ходибоевич ЗИЯЕВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «I» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Адади 6329 нусха. Буюртма Г-1045.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 01.00. 1 2 3 4 5